

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2012 йил 11 июль, № 135 (5555) Чоршанба


## Мамлакатимизда:

### Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

**Андижон**

*Автомобилсозлик саноати учун эҳтиёт қисмлар етказиб беришга ихтисослаштирилган “Асака давр бутловчи” хусусий корхонаси ўз фаолиятини дастлаб 6 нафар мутахассис билан бошлаган эди.*

## Ривожланиш мезони

Жамоа бозор талабларидан келиб чиқиб, янги қувватларни ишга туширишга, корхонани техник ва технологик жиҳатдан янгилашга эътибор қаратди. Натижада маҳсулот тури ортиши баробарида, сифати ҳам тубдан яхшиланди. Яқинда корхонага банкнинг 65 минг АҚШ долларилик кредити эвазига хориждан замонавий термопластавтомат дастгоҳи келтириб ўрнатилди. Пировардида 4 турдаги янги бутловчи қисмлар тайёрлаш ўзлаштирилди.

Таъкидлаш керакки, “Асака давр бутловчи” жамоаси жорий йилнинг беш ойи давомида ўз буюртмачиларига 1 миллион 768 мингтадан зиёд эҳтиёт қисмлар етказиб беришга эришди.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Самарқанд**

*Булунғур туманилик фермер Шавкат Қаюмов чиқиндидан қоғоз ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Ушбу лойиҳа рўёби учун 155 минг АҚШ долларилик маблағ сарфланди.*

## Фермернинг ташаббуси

Ҳозир бу ерда хориждан келтирилган замонавий технологиялар ёрдамида 5 тоннагача ёзув қоғозлари ва картон қутилар тайёрланмоқда.

Фермернинг мазкур хайрли ташаббуси натижасида 25 киши доимий даромад манбаига эга бўлди. Шунингдек, вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида хом ашё — чиқинди қоғоз қабул қилувчи шохобчалар ҳам ташкил этилди.

Эътиборлиси, туманда шу каби лойиҳалар шарофати билан жорий йилнинг ўтган олти ойида 2818 та иш ўрни яратилди.

**М. ЗИЁДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Қашқадарё**

*Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти олимлари “Ясси рефлекторли қуёш уйи” лойиҳасини ишлаб чиқдилар. Мазкур қурилма тураржой биноларини иситишга мўлжалланган.*

## «Қуёш уйи»

У кундузи тўғридан-тўғри қуёш нури ҳисобига, кечаси мавжуд аккумуляторлар ёрдамида ҳосил қилинадиган энергия асосида ишлайди.

Ушбу лойиҳа пойтахтимизда ўтказилган V Республика инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркасида ҳам намойиш этилиб, мутахассисларнинг юксак эътирофига сазовор бўлганди.

Лойиҳа раҳбари Шуҳрат Имомовнинг таъкидлашича, уй-жой ва қишлоқ хўжалигида фойдаланишга мўлжалланган мазкур қурилма ўхшаши йўқлиги ҳамда нисбатан арзонлиги билан ажралиб туради. Уни халқ хўжалигининг турли тармоқларида кенг қўллаш мумкин. Ярмаркада ушбу лойиҳани рўёбга чиқариш мақсадида “Arn Tjen-Agro-Milk” корхонаси билан 205 миллион сўмлик ва “Nur Ziyo Sayohat” масъулияти чекланган жамияти билан 10 миллион сўмлик шартномалар имзоланди.

**А. МУҲАММАДИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Сурхондарё**

*“Жарқўрғоннон” масъулияти чекланган жамиятида бугунги кунга қадар фақат қолипли нон ишлаб чиқарилаётган эди.*

## Модернизация шарофати

Жамоа банкнинг 38 минг АҚШ долларилик кредити эвазига ишлаб чиқариш жараёнини замон талаблари асосида модернизация қилди. Бу эса корхона қувватини қарийб ўн баробарга ошириш ва 12 хилдаги нон маҳсулотлари тайёрлаш имкониятини туғдирди. Муҳими, яратилган 10 та иш ўрнига жорий йилда касб-ҳунар коллежларини битирган ёшлар жалб этилди.

**О. УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Жиззах**

*Жиззах шаҳридаги “Осиё Сангзор Савдо” масъулияти чекланган жамияти фаолият турини кенгайтириб, Заргарлик маҳалласида “Осиё грант” меҳмонхонасини бунёд қилди.*

## Фаолият тури кенгайди

— Айни пайтгача жамиятимиз қошида 120 ўринли умумий овқатланиш шохобчаси, нон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхона фаолият кўрсатар эди, — дейди жамият раҳбари Отабек Хайруллаев. — Яқинда ўз маблағимиздан ташқари, банкнинг 100 миллион сўмлик молиявий кўмаги эвазига замонавий меҳмонхонани фойдаланишга топширдик. Натижада 6 та қўшимча иш ўрни яратилиб, жамоамизда меҳнат қилаётганлар сони 24 нафарга етди. Жорий йилнинг ўтган даврида 250 миллион сўмликка яқин хизматлар кўрсатдик.

Айтиш жоизки, вилоятда шу йилнинг ўтган беш ойи давомида 268 та сервис ва хизмат кўрсатиш шохобчаси ишга туширилиши натижасида мингдан зиёд иш ўринлари яратилди.

**У. АДИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Фармон ва ижро**

*Тадбиркорлик ҳаракатини ривожлантириш, унинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Чунки ривожланган давлатлар тажрибасидан маълумки, ижтимоий-иқтисодий тараққиётни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик истиқболисиз тасаввур қилиб бўлмайди.*

### Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик:

## Қулай ишбилармонлик муҳити

Шу боис республикамизда Президентимиз ташаббуси билан истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб мазкур тизим вакилларининг фаолияти ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб, қулай ишбилармонлик муҳити яратилмоқда.

Айниқса, иқтисодиётни эркинлаштириш юзасидан кўрилаётган изчил чора-тадбирлар самараси туфайли кичик бизнес жадал суръатларда ривожланаяпти. Бунда хусусий секторнинг иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш, назорат қилувчи органларнинг хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига аралашувини чеклаш борасидаги янгиликлар, айниқса, муҳим аҳамият касб этмоқда. Сўнгги ўн йилда ялпи ички маҳсулот таркибида кичик бизнес улуши 31,1 фоиздан 54 фоизга ўсгани, соҳада бандлик даражаси иқтисодиёт тармоқларида иш билан банд бўлган кишилар умумий сонининг 49,7 фоизидан 74,5 фоизга етказилгани, аҳоли даромадларининг 47 фоиздан зиёди айнан тадбиркорлик фаолиятидан тушган даромадлар ҳиссасига тўғри келаётгани бунинг яққол далилидир.

Президентимизнинг 2011 йил 24 августдаги “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони эса соҳа ривожида яна бир янги саҳифа очиб берди, десак, муболаға бўлмайди. Мазкур ҳужжатда тизимда учраётган ортиқча бюрократик тўсиқ ва ғовларга чек қўйиш, давлат бошқаруви функцияларини қисқартириш ва тадбиркорларга кўпроқ эркинлик бериш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш белгилаб берилди. Шунга мувофиқ, эндиликда барча даражадаги давлат бошқаруви идоралари, ҳуқуқни муҳофаза ва назорат қилиш органлари, шунингдек, тижорат банклари ўзаро муносабатларда тадбиркорлар ҳуқуқлари устуворлиги принципига қатъий амал қиладилар. Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардаги бартараф этиб бўлмайдиган барча зиддиятлар ва ноаниқликлар эса тадбиркорлар фойдасига талқин этилади.

Шу билан бирга, тадбиркорлар 2016 йилнинг 1 январигача хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида фойдаланилаётган технологик ускуналар учун четдан олиб келинадиган эҳтиёт қисмлар ва бутловчи буюмлар, замонавий технологиялар учун божхона тўловларини тўлашдан озод қилингани ҳам айни муддао бўлди. Бунинг ҳисобига тежаладиган маблағ ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва кенгайтириш борасида қўшимча имкониятларни яратади, албатта.

(Давоми 2-бетда).

## Юксак эътибор ифодаси

*Президентимизнинг куни кеча матбуотда эълон қилинган “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари меҳнатини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони барчамизни бирдек қувонтирди.*

**Дил сўзи**

Шубҳасиз, мазкур ҳужжат маҳаллани аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, шунингдек, унинг давлат бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати олиб бориш тизимидаги вазифаларини янада изчиллик билан рўёбга чиқаришда муҳим аҳамият касб этади. Бу фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг юрт равнақи, эл фаровонлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар ижросидаги ўрни ва таъсирини сезиларли даражада кўтаришга хизмат қилади.

Таъкидлаш керак, инсон манфаатлари, унинг шаъни, қадр-қиммати энг олий қадрият ҳисобланадиган юртимизда барча касб эгалари қатори маҳалла соҳасида фаолият юритаётганлар ҳам моддий-маънавий жиҳатдан рағбатлантирилиб келинаётгани барчамизга янада кўтаринки кайфият бахш этади. Ўз навбатида, бу бизни давлатимиз тараққиётига камарбаста бўлишдек шарафли ва масъулиятли вазифамизни сидқидилдан, янада кўпроқ кучу ғайрат билан адо этишга руҳлантиради.

2012 йилнинг Юртбошимиз томонидан “Мустаҳкам оила йили” деб эълон қилиниши, шу асосда Давлат дастури ҳаётга татбиқ этилгани мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида маҳалла ролини янада мустаҳкамлади. Бу эса “Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари” тамойилини амалиётга самарали жорий қилиш имкониятларини кенгайтиради.

(Давоми 2-бетда).

### Машинасозлик:

## Илғор технологиялар ва иқтисодий самарадорлик

*Машинасозлик саноати ривожини мураккаб технологияларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу боис мамлакатимизда мазкур соҳага ихтисослаштирилган ишлаб чиқариш субъектларини модернизациялаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш изчил амалга оширилмоқда. Бундай корхоналарда тайёрланаётган маҳсулотлар эса иқтисодиётни юксалтириш баробарида, юртимиз экспорт салоҳиятини ошираётгани билан ҳам эътиборга молик.*



**Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган**



Хусусан, Навоий кон-металлургия комбинатига қарашли Навоий машинасозлик заводи (НМЗ) бу борада етакчи ишлаб чиқариш субъектларидан бири ҳисобланади. Бугунги кунда ушбу йирик корхонада 3,5 минг нафардан ортиқ ишчи ва муҳандис меҳнат қилмоқда. Улар томонидан ҳаётга татбиқ этилаётган инновацион лойиҳалар ишлаб чиқаришни жадаллаштиришда асос бўлаяпти. Шу боис “НМЗ” ёрлиғи остида тайёрланаётган металл ва ёғочга ишлов берувчи дастгоҳларга мамлакатимиздаги йирик ишлаб чиқариш корхоналари қатори хорижда ҳам талаб тобора ортмоқда.

Албатта, компьютерлаштирилган технологияларни бошқариш инсондан юксак малака талаб қилади. Бунинг учун замонавий билимларни пухта эгаллаган, салоҳиятли мутахассислар зарур. Шундан келиб чиқиб, корхона мутасаддилари Навоий давлат кончилик институти билан ҳамкорликни йўлга қўйган. Айни пайтда мазкур ўқув юрти битирувчиларининг кўпчилиги корхонада меҳнат қилаётгани ана шу ҳамкорлик самарасидир.

— Илгари тизимимиздаги бўлинмалар учун зарур бўлган ускуна ва техникаларнинг барча эҳтиёт қисмлари четдан келтириларди, — дейди корхона цех бошлиғи Суннатилло Улуғов. — Ҳозирги пайтда бундай маҳсулотлар ўзимизда ишлаб чиқарилаяпти. Бу эса катта миқдорда валютани тежаш имконини бермоқда.

(Давоми 2-бетда).

**Жараён**

*Беруний туманидаги Навоий ва Шоббоз қишлоқлари аҳолиси ҳаётида қувончли воқеа юз берди. Гап шундаки, бу ерда ҳар бири 500 кубометр ҳажмдаги обиҳаётни тақсимлаш имкониятига эга замонавий иншоотлар қурилиб, фойдаланишга топширилди.*

## Обод қишлоқлар

**Уларда яшаётган аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш ҳам янада яхшиланмоқда.**

Натижада 1500 тадан зиёд хонадон тоза ичимлик суви билан таъминланди. Жами 2 миллиард 49 миллион сўм эвазига бунёд этилган мазкур иншоотлар, айтиш мумкинки, қишлоқ аҳли турмушига файзу барака олиб кирди.

Шундай қилиб, Қорақалпоғистон Республикасида ҳозирга қадар 1132 та қишлоқнинг 502 тасида истиқомат қилаётган 449,6 мингдан ортиқ аҳолининг уйи марказлашган тоза ичимлик суви тармоғига уланди. Уларнинг сони эса йилдан-йилга ошиб бораётгани қувонарлидир.

Бундай хайрли ишни амалга оширишда жамоамизнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Негаки, ишчи-хизматчиларимиз ўн беш жойда ўрнатилган ер ости чучук сувини йиғувчи қурилмалар ва 65 та ер ости шўр сувини тозаловчи “Экос” станцияси орқали мавжуд қишлоқларни ичимлик суви билан узлуксиз таъминлаб келаяпти. Умумий узунлиги 3135 километрлик сув етказиш тармоқлари ишга туширилгач эса, чекка гўшаларда ҳам ана шундай имконият яратилди.

(Давоми 2-бетда).

**БИР РАҚАМ ШАРҲИ**

## КРЕДИТЛАР АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

***2012 йил 1 май ҳолатига кўра, республикамизда тижорат банклари томонидан оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчилик соҳаси учун ажратилган кредитлар миқдори***

**24 миллиард сўмни ташкил қилди.**

Бундай молиявий кўмакнинг кўрсатилиши иқтисодиётнинг тез ўзгарувчан бозор талабларига жавоб берадиган замонавий тузилмаси бўлмиш оилавий бизнесни сифат жиҳатидан ривожлантириш, кўплаб янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли даромадини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

# Барқарор тараққиёт кафолати

*Бугунги кунда Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий соҳаларда улкан ютуқларга эришаётган, барқарор тараққий этаётган давлат сифатида дунё миқёсида кенг эътироф қилинаётир. Бу Президентимиз томонидан ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилган ривожланишнинг "ўзбек модели" самарасидир, албатта.*

## Парламент ҳаёти

Шубҳасиз, юртимизда тадбиркорлик ва ишбилармонликни равнақ топтиришга қаратилаётган катта эътибор, мустаҳкам ҳуқуқий-меъёрий ва ташкилий пойдевор мазкур ютуқларни қўлга киритишда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Республикамизнинг ялпи ички маҳсулоти кейинги 20 йилда 3,5 баравар, аҳолининг реал даромадлари эса 3,8 бараварга ўсгани бунинг ёрқин тасдиғидир. Қолаверса, сўнгги 11 йил мобайнида кичик корхона ва микрофирмалар сони 2 марта, кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликнинг ЯИМдаги улуши 31,1 фоиздан 54 фоизга кўпайди. Ҳар йили ташкил қилинаётган иш ўринларининг 60 фоиздан зиёди эса иқтисодиётнинг ана шу секторига тўғри келмоқда.

Пойтахтимизда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси томонидан Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда ўтказилган давра суҳбатида шулар ҳақида сўз борди. Унда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига қўшимча имтиёзлар ҳамда афзалликлар бериш, тадбиркорларнинг солиқ ва назорат органлари билан ўзаро муносабатларини соддалаштириш, кичик корхоналар учун ташқи савдо операцияларини расмийлаштиришнинг ортиқча тартиб-таомилларини бартараф этиш чора-тадбирлари ҳамда мамлакатимизда хорижий инвесторларга яратилаётган шарт-шароитларни назарда тутувчи қонун ҳужжатларини такомиллаштириш масалалари муҳокама қилинди.

Тадбирда Президентимиз томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясидаги ғоя, таклиф ҳамда қонунчилик ташаббуслари бу борада ғоятда долзарб аҳамият касб этиши алоҳида таъкидланди.

— Маълумки, мавжуд қонунчилик базаси тадбиркорлик учун ишончли кафолатлар ҳамда кредит ахбороти алмашинуви тизимини ривожлантиришга хизмат қилмоқда, — дейди қўмита аъзоси Н. Алимов. — Ўз навбатида, лицензия ва рухсатнома бериш тартиб-таомиллари қисқартирилиб, соддалаштирилди.

Шуларга мос равишда тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларни муҳандислик-коммуникация тармоқларига улаш тартиби анчагина қулайлаштирилди, рўйхатдан ўтказганлик учун давлат божининг ставкалари эса икки баробарга камайтирилди.

Давра суҳбатида давлатимиз раҳбарининг "Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ҳамда "Ангрен" махсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисида"ги фармонлари чет эл сармояларини иқтисодиётимизга самарали йўналтириш, тегишли кафолатлар ва имтиёзлар тизимини мустаҳкамлашда муҳим асос эканлигига урғу берилди.

Тадбирда жойларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари фаолиятини янада равнақ топтириш, чунончи, уларни муҳандислик-коммуникация тармоқларига улаш, жиҳозлар, хом ашё ресурсларини импорт қилиш, божхона расмийлаштируви, маҳсулотни экспортга чиқариш механизмларини янада такомиллаштириш каби масалалар бўйича таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилди.

**С. МАХСУМОВ.**

## Маҳаллий Кенгашларда

*Президентимиз 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, айниқса, касаначиликни янада ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратган эди.*

# Аҳоли бандлигини таъминлаш — устувор вазифа

Айни пайтда Наманган вилоятида Юртбошимиз томонидан белгилаб берилган устувор вазифалар, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан маъқулланган 2012 йилда иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури ижросига жиддий аҳамият берилмоқда. Мазкур дастурга биноан, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани, транспорт ва коммуникацияни жадал ривожлантириш, аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишлари кўламини кенгайтириш ҳисобидан 2012 йилда 75 мингта иш ўрни яратиш белгиланган. Бу борада амалга оширилган аниқ чора-тадбирлар натижасида ўтган беш ой давомида ҳудуддаги 3299 та субъектда жами 31 минг 508 та иш ўрни ташкил этилди. Эътиборлиси, шунинг 45,1 фоизи кичик бизнес, хизматлар кўрсатиш, фермер хўжаликлари улушига тўғри келади.

Аҳоли фаровонлигини таъминлашнинг яна бир муҳим йўналиши — оилавий тадбиркорлик, хусусан, касаначиликни изчил йўлга қўйиш ҳисобланади. Шу боис касаначилик ўринларини ташкил этиш, оилавий тадбиркорлик ҳамда ҳунармандчилик фаолиятини ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган ҳудудий дастурга асосан, жорий йилда жами 28 мингдан зиёд иш ўринлари яратиш белгиланган. Ҳозирги кунга қадар мазкур йўналишда 12 минг 914 та иш ўрни ташкил этилди. Вилоятдаги корхоналар билан кооперация асосидаги шу турдаги иш ўринлари эса 3600 тадан ошиб кетди. Яқинда кучга кирган "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги Қонун эса бу борадаги ишларни янада ривожлантиришда мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётир.

Вилоятда ўтказилган таҳлиллар ва мониторинг натижаларига кўра, айни пайтда касаначилар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми қарийб 200 млн. сўмдан иборат бўлмоқда. Кўриниб турибдики, ушбу фаолият тури фуқаролар, айниқса, хотин-қизларнинг оила бюджетига ўз улушини қўшишида муҳим аҳамият касб этаяпти. Шу боис жорий йилда миллий ҳунармандчилик ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига яна 5315 кишининг бандлигини таъминлаш кўзда тутилган.

Ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ўз иқтидорини намоён этишига кўмаклашиш асосий вазифаларимиздан ҳисобланади. Бу йил вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси тасарруфидаги 106 та касб-ҳунар коллежини 78 та йўналиш бўйича 41880 нафар битирувчи тамомлади. Уларни ишга жойлаштириш ёки ўқишларини давом эттиришлари учун зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда. Хусусан, битирувчиларнинг аксарияти вилоятдаги 14625 та иш берувчи корхона ва ташкилотларга бириктирилиб, уч томонлама шартномалар тузилди.

Шунингдек, ёшларнинг ўз бизнесини йўлга қўйишини таъминлаш мақсадида тижорат банклари томонидан 1,66 млрд. сўмлик имтиёзли микрокредитлар ажратилиши мўлжалланган. Айни чоғда 68 нафар битирувчи "Микрокредитбанк" ОАТБнинг 267 млн. сўмлик имтиёзли кредитини олди. Бундан ташқари, таълим муассасаларида ўқувчиларга қўшимча касб ўргатиш борасида ҳам муайян ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, таълим масканларида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш шохобчалари ташкил этилиб, 61 кичик корхонада озиқ-овқат, енгил саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилаётир. Масалан, 7 мингдан зиёд ёшлар 89 та иссиқхона, 63 та новвойхона, 82 та тикувчилик устахонаси, 69 та компьютер хизмати, 68 та паррандачилик, 62 та гўзаллик салони, 41 чорвачилик, 39 та пазандачилик, 25 та чилангарлик, 24 та автомобилларга техник хизмат кўрсатиш, 12 та чархчилик ва бошқа шохобчаларда қўшимча касбни ўрганишди.

Албатта, муваффақиятлар ўзимизники. Мавжуд камчиликларни бартараф этиш, аҳолининг бу борадаги мурожаатларини жойида ҳал этишга кўмаклашиш доимий комиссия аъзоларининг мақсад-муддаоси, фаолиятининг бош мезонидир. Айни пайтда бу борада амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар, аввало, фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилишга, уларнинг янада фаровон яшашларига қаратилгандир. Зотан, мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш йўлида олиб борилаётган ишларнинг муваффақиятли кечиши, кўп жиҳатдан, Маҳаллий Кенгашлар ва унинг доимий комиссиялари фаолиятининг изчиллигига боғлиқ.

**А. БОБОМИРЗАЕВ,**
**халқ депутатлари Наманган вилояти Кенгаши Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари доимий комиссияси раиси.**

# Юксак эътибор ифодаси

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Хусусан, ушбу Фармон ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш бўйича ижтимоий аҳамиятли ишларни амалга ошириш, оила институтини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлаш, жамиятда барқарорлик ва тотувликни таъминлашга йўналтирилгани билан ҳам ниҳоятда аҳамиятлидир. Бинобарин, республикамизда олиб борилаётган оқилона сиёсатнинг мазмун-моҳиятида ҳам халқимиз фаровонлиги ва юртимиз тараққиётини юксалтиришдек эзгу муддао мужассамдир.

Биз ҳам ана шу мақсадга бевосита дахлдормиз. Давлатимиз томонидан билдирилган ишонч ва масъулиятни оқлаш эса энг катта бурчимиздир.

**Гавҳаржон СОБИРОВА,**
**Урганч шаҳридаги «Истиқлол» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси.**

**Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик:**

# Қулай ишбилармонлик муҳити

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мамлакатимизда самарали фаолият кўрсатаётган 22 мингга яқин кичик бизнес субъектларини ўз таркибида бирлаштирган Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси томонидан ушбу Фармон ижросини таъминлаш, мазмун-моҳиятини тадбиркорларга чуқурроқ тушунтириш юзасидан муайян ишлар бажарилмоқда. Жумладан, палата кўмаги билан хорижий мамлакатлардан умумий қиймати 14,5 миллион АҚШ долларига тенг бўлган замонавий минитехнологиялар, ихчам асбоб-ускуна ва жиҳозлар сотиб олган 204 та тадбиркорлик субъекти юқорида қайд этилган имтиёзлардан оқилона фойдаланишга эришди. Уларнинг 52 таси қурилиш материаллари, 73 таси озиқ-овқат, 20 таси тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга, 12 таси қишлоқ хўжалиги, 8 таси гўшт-сут маҳсулотларини қайта ишлашга, 5 таси пластмасса ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мўлжаллангани диққатга сазовордир.

Республикамизда тадбиркорлик ҳаракати учун қулай ишбилармонлик муҳити яратилганлиги, соҳага кўплаб имтиёз ва преференциялар татбиқ қилинаётгани, ўз навбатида, чет эллик инвесторларнинг иқтисодиётимизга бўлган қизиқишини тобора ошираяпти. Бу борада палата томонидан мунтазам ўтказилаётган хорижий ишбилармон доиралар вакилларининг бизнес-форумлари, учрашув ва семинарларнинг аҳамияти катта бўлмоқда. Ўтган қисқа давр ичида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар иштирокида 44 та корхона ташкил этилгани бунинг яққол далилидир. Шундан 17 таси қўшма, қолгани эса хорижий корхонадир. Улар тўқимачилик, қурилиш материаллари, озиқ-овқат, қишлоқ хўжалиги каби иқтисодиётимизнинг муҳим тармоқларига ихтисослаштирилган.

Юртдошларимизнинг ишбилармонлик қобилиятларининг юзага чиқиши, хусусан, ишлаб чиқаришни йўлга қўйишларида палатамиз жамоаси томонидан уларга имтиёзли хизмат кўрсатилиб, қулай ва тезкор ахборот билан таъминланаётгани, шунингдек, жўяли маслаҳатлар берилаётгани ҳам қўл келаётир. Шу боис жамоат ташкилотимизнинг ҳудудий бошқармалари, барча вилоятларда фаолият кўрсатаётган ахборот-маслаҳат(бизнес) марказлари хизматлари сифатини оширишга жиддий эътибор қаратилаяпти. Натижада тадбиркорларга бизнесни бошлашдан уни ривожлантиришгача бўлган жараённи қамраб олувчи комплекс ахборот-маслаҳат кўмаги берилмоқда. Таъсис ҳужжатлари ва бизнес-режа тайёрлаш, ахборот, юридик, баҳолаш, суғурта, бухгалтерия, брокерлик хизматлари ана шулар жумласидандир.

Бундан ташқари, палата аъзоларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида кенг кўламли юридик маслаҳатлар ҳамда консалтинг хизматлари кўрсатиш тизими ҳам йўлга қўйилган. Низоларни ҳал қилишнинг замонавий альтернатив шаклларини ривожлантириш мақсадида палата тизимида 12 та ҳудудий ҳакамлик суди фаолият кўрсатаётир.

Бу каби хайрли ишлар, Президентимизнинг юқорида номи келтирилган Фармонига асосан, янада кенг кўлам касб этмоқда. Унда кўзда тутилган имтиёз ва преференциялар хусусий секторнинг мамлакатимиз иқтисодий тизимидаги ўрни ва аҳамиятини муттасил ошириб бориш имконини бериши муқаррар.

Шундай экан, соҳани ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлар ва ишбилармонларга кўмак бериш, уларга имтиёзли хизматлар кўрсатиш, бундан буён ҳам Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси жамоаси зиммасидаги муҳим вазифа бўлиб қолаверади. Юртбошимиз таъкидлаганидек, "Тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича самарали механизмнинг амалда жорий этилгани иқтисодиётимизда катта аҳамиятга эга бўлган хусусий тармоқни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш имконини беради".

**Алишер ШАЙХОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси раиси.**

## Изланиш

*Ғиждувон туманидаги "Исо Умаров орзуси" масъулияти чекланган жамиятида "Бунёд" савдо белгиси остида турли ширинликлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Маҳсулотни татиб кўрганлар унга "Дастурхон кўрки" дея таъриф беришмоқда.*

# Харидорларга манзур

Тадбиркор мазкур бизнес лойиҳани амалга ошириш учун банк томонидан ажратилган 102 минг АҚШ долларилик кредитдан оқилона фойдаланиб, хориждан замонавий технологик линия харид қилди. Ҳозир бу ерда кунига бир тоннадан зиёд конфетлар тайёрланмоқда. Маҳсулот хуштаъмлиги ва ҳамёнбоплиги билан харидорлар эътиборига тушиб улгурди.

Таъкидлаш керакки, туманда айни пайтда 2600 дан зиёд кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолият кўрсатмоқда.

**И. ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Машинасозлик:**

# Илғор технологиялар ва иқтисодий самарадорлик



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Биламизки, деҳқончилик ривожи кўп жиҳатдан замонавий техника воситаларига боғлиқ. Навоий машинасозлик заводи қишлоқ хўжалиги учун турли ускуна ва қурилмаларни етказиб бериб, деҳқонлар оғирини енгил қилаяпти. Чунки бундай ускуналар ёрдамида фермерлар экинни парваришлаш ёки агротехника тадбирларини ўз вақтида амалга ошириш, етиштирилган ҳосилни нест-нобуд қилмай йиғиштириб олишлари мумкин. Завод жамоаси йил бошидан буён буюртмалар асосида "IQOP 3(4)-45" русумли кўплаб плуглар тайёрлади. Дарвоқе, жорий йилдан бошлаб корхонада қишлоқ мулкдорлари учун яна бир янги маҳсулот — ўғитлаш мосламаси ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Мухтасар айтганда, ҳозир Навоий машинасозлик заводида тайёрланаётган маҳсулотларга халқ хўжалигининг барча тармоқларида эҳтиёж юқори. Заводда жорий йилнинг иккинчи чорагида ишлаб чиқариш режаси 100,5 фоизга уддаланиб, ўсиш суръати 101 фоизни ташкил қилгани ана шундан далолат беради.

**А. ЗАРИПОВ,**
**Ш. ШАРАПОВ (суратлар),**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

# Обод қишлоқлар

**Уларда яшаётган аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш ҳам янада яхшиланмоқда.**

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Таъкидлаш керакки, юртдошларимиз турмуш фаровонлигини ошириш масаласи давлатимизнинг диққат-эътиборида турибди. Қишлоқ аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида, ҳудудий инвестиция дастурига мувофиқ, 2010 йилда 2 миллиард сўмлик, 2011 йилда 9,8 миллиард сўмлик, жорий йилда эса 10,4 миллиард сўмлик маблағ йўналтирилгани бунинг исботидир.

Инвестиция дастурига кўра, ўтган 5 ойда республикамиз бўйича 5 та қишлоқда умумий қиймати 358,7 миллион сўмлик, узунлиги 9,5 километрлик сув тармоқлари бунёд этилди. Пировардида Амударё, Нукус, Тўрткўл туманларидаги ўнлаб аҳоли пунктлари тоза ичимлик суви билан таъминланди. Шунингдек, қишлоқ аҳоли пунктларининг ичимлик суви таъминотини яхшилаш дастури асосида жорий йилда 13 та қишлоқда 3,8 миллиард сўмлик, яъни 15,1 километрлик сув тармоқларини қайта тиклаш, 15 та янги қудуқни қазиш, 42 дона сув насосини ўрнатиш ишларини бажариш режалаштирилган. Бу юмушлар рўёбга чиқса, яна 32 минг 700 га яқин аҳолининг ичимлик сувига бўлган талаби қондирилади.

Маълумки, Президентимизнинг 2009 йил 3 августдаги "Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига кўра, Қорақалпоғистон Республикасида ҳам намунавий лойиҳалар асосида уйлар қурилиши тез суръатларда олиб борилмоқда. Шу кунгача корхонамиз ишчилари томонидан янги массивларда 1199,6 миллион сўмлик иш бажарилиб, 35,5 километрлик сув тармоқлари тортилди. Бу — янги уйларда яшаётган 5604 нафар киши тоза ичимлик сувидан баҳраманд бўлди, деганидир.

Қисқача айтганда, Юртбошимизнинг юксак эътибори ва ғамхўрлиги туфайли ҳамюртларимиз ҳаёти тобора фаровонлашиб бормоқда. Бунга бизнинг ҳам улушимиз қўшилаётганидан фахрланамиз.

***Жалғас УЗАҚОВ,***
***«Қорақалпоққишлоқхўжаликсувтармоқлари» тресги бошқарувчиси.***

# Такрорий озуқабоп экинлар

**чорвачиликни ривожлантиришда муҳим омил ҳисобланади**

*Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар самарасини биргина республикамиз чорвадорлари эришаётган ютуқлар мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Кейинги йилларда чорва бош сони тобора ошиб, насли яхшиланиб бораётгани, ички бозорларимиз гўшт ва сут маҳсулотлари билан арзон нархларда тўлдирилаётгани фикримиз тасдиғидир.*

## Анжуман

Шубҳасиз, бунда Президентимизнинг 2006 йил 23 мартдаги "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда 2008 йил 21 апрелдаги "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорлари муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Албатта, чорвачиликда сифатли озуқа манбаларини кўпайтирмай туриб, юқори натижага эришиб бўлмайди. Шу боис жойларда махсус омихта ем сотиш шохобчалари ташкил этилиб, шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларига ем маҳсулотлари етказиб берилаяпти. Бундан ташқари, озуқабоп ем-хашак экинлари етиштириш, уларнинг ҳосилдорлигини ошириш, уруғчилигига илм-фан ҳамда агротехника ютуқларини кенг жорий этиш масалалари ҳам диққат-эътиборда.

Қибрай туманидаги Ўзбекистон чорвачилик илмий тадқиқот институтида ташкил этилган илмий-амалий семинар ҳам такрорий озуқабоп ем-хашак экинлари етиштириш масаласига бағишланди. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ташаббуси билан ўтказилган мазкур тадбирда уруғчиликка ихтисослаштирилган илмий тадқиқот муассасалари олим ва мутахассислари, чорвачилик фермер хўжаликлари раҳбарлари, шунингдек, хизмат кўрсатиш корхоналари вакиллари иштирок этдилар.

— Мамлакатимизда 7 та илмий муассаса озуқабоп экинлар уруғчилиги билан шуғулланади, — дейди Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази бўлим бошлиғи Улуғбек Куччиев. — Уларнинг ўзаро ҳамкорлигида озуқабоп ем-хашак экинларининг бирламчи уруғчилигини йўлга қўйиш, суперэлита уруғлар етиштириш бўйича махсус лойиҳа ишлаб чиқилган. Лойиҳа доирасида озуқабоп экинлар уруғини етиштириш билан шуғулланувчи 250 дан ортиқ фермер хўжаликларига касаллик ва зараркунандаларга чидамли, серҳосил уруғликлар етказиб берилмоқда. Бугунги анжуман эса шу йўналишдаги ютуқ ва тажрибаларни кенгроқ оммалаштиришга хизмат қилади.

Семинар иштирокчилари чорвачилик илмий тадқиқот институтининг тажриба майдонида ҳам бўлиб, такрорий озуқабоп экинлар етиштириш борасида олиб борилаётган илмий-амалий фаолият билан яқиндан танишдилар. Бу ерда тритикале, беда, судан ўти, эспарцет, лавлаги, соя, кунгабоқар, маккажўхори, арпа, тариқ, сули каби озуқабоп экинларнинг 20 дан ортиқ янги ва истиқболли навлари тажриба тариқасида ўстирилмоқда.

Иштирокчиларга мутахассис ва олимлар томонидан ғалладан бўшаган майдонларга такрорий озуқабоп экинларни навига қараб жойлаштириш, агротехника тадбирларини тўғри ва ўз вақтида олиб бориш юзасидан зарур маслаҳат ҳамда тавсиялар берилди.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЭРКИН ЁЛЛАШ ТИЗИМИ БЎЙИЧА КОРЕЙС ТИЛИДАН 2007 — 2008 ЙИЛЛАРДА ТЕСТ СИНОВИДАН МУВАФФАҚИЯТЛИ ЎТИБ, КОРЕЯ ТОМОНИДАН МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ КЕЛМАГАН ФУҚАРОЛАР УЧУН ТЕСТ СИНОВЛАРИНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА ЭЪЛОН

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Корея Республикаси Меҳнат вазирлиги ўртасида тузилган «Бандликка рухсат бериш тизими бўйича ишчи кучини Корея Республикасига юбориш тўғрисида»ги Меморандумга мувофиқ, Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги томонидан Корея Инсон ресурсларини ривожлантириш хизмати билан ҳамкорликда 2007 — 2008 йилларда тест синовларидан муваффақиятли ўтиб, корейс иш берувчилари танламаганлиги сабабли Корея Республикасига меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун кета олмаган фуқаролар учун 2012 йил 16 — 20 июль кунлари тест синовларида қатнашиш учун рўйхатга олиш ўтказилади.

Инсон ресурсларини ривожлантириш хизмати Эркин ёллаш тизими бўйича ўтказиладиган компьютер тест синовларидан муваффақиятли ўтган номзодларгина Корея маълумотлар базасига киритилади.

### Тест ўтказиш жадвали

| Йўналиш | Рўйхатга олиш куни | Рўйхатдан ўтувчи номзодларнинг тахминий сони (нафар) | Тестни эълон қилиш куни | Тест ўтказиладиган кун | Тестдан ўтувчи номзодларнинг тахминий сони (нафар) | Тест натижалари эълон қилинадиган кун | Ёши бўйича талаб |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Жами | | 3,290 | | | 1,800 | | |
| Ишлаб чиқариш (1) | | 700 | 13 август | 20 — 31 август | 350 | 5 сентябрь | |
| Ишлаб чиқариш (2) | 16 — 20 июль | 840 | 3 сентябрь | 10 — 25 сентябрь | 420 | 27 сентябрь | 17.07.1972 йилдан 16.07.1994 йилгача туғилган |
| Ишлаб чиқариш (3) | | 1,050 | 2 сентябрь | 8 — 26 октябрь | 630 | 30 октябрь | |
| Хизмат кўрсатиш | | 700 | 12 ноябрь | 19 — 30 ноябрь | 400 | 4 декабрь | |

Эркин ёллаш тизими бўйича юзага келган ҳолатга кўра тест синовлари дастурига ўзгартириш киритилиши мумкин.

1. **Биринчи қисм (35 нафар)**
   - Тушунтириш вақти: 08.30 — 09.30
   - Тест вақти: 09.30 — 10.40

2. **Иккинчи қисми (35 нафар)**
   - Тушунтириш вақти: 10.50 — 11.50
   - Тест вақти: 11.50 — 13.00

Йўналишлар: ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш.

3. **Тестдан ўтувчи тахминий номзодлар сони эълон қилинади**
   - Ҳар бир йўналиш бўйича 80 баллдан 200 баллгача тўплаган балига кўра, тестдан ўтувчи тахминий номзодлар сони кейинроқ эълон қилинади.

4. **Тест бўлиб ўтадиган манзил ва эълон санаси**
   - Тест ўтказиладиган манзил, компьютер тест хонаси
   - Эълон қилиш тартиби:
     а) корейс тили бўйича тест синовларининг махсус веб-сайти (http://epstopik.hrdkorea.or.kr);
     б) Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги ахборот тахтачаси;
     в) Эркин ёллаш тизими корейс тилидан компьютер тест маркази сайти (http://www.monkor.net);
     г) эркин ёллаш тизими веб-сайти (www.eps.go.kr).

5. **Қабул қилиш ихтисослиги**
   — ёши 18 дан 39 ёшгача бўлган фуқаролар;
   — муқаддам судланмаган ва жиноий жавобгарликка тортилмаган фуқаролар;
   — Корея Республикасидан депорт қилинмаган ёки депорт қилинганлиги тўғрисида буйруғи бўлмаган фуқаролар;
   — Корея Республикасида доимий яшаш ва иш жойини ташлаб кетиш мақсади бўлмаган фуқаролар.

6. **Рўйхатга олиш жараёни**

— Рўйхатга олиш муддати 2012 йил 16 июлдан — 20 июлгача (5 кун) вилоятлар бўйича рўйхатга олиш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.
— Рўйхатга олиш вақти — соат 9.00 дан 17.00 гача (танаффус вақти — соат 13.00 дан 14.00 гача).

Фуқароларни рўйхатга олиш фуқаролик паспортида қайд этилган тураржойи бўйича ҳамда вилоятларни рўйхатга олиш жадвали асосида белгиланган кунда амалга оширилади.
— Фуқаролар рўйхатга олиш жойларига шахсан келишлари лозим.
— Тўлдирилган махсус талабнома шакли.
— Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик паспорти ва унинг нусхаси.
— 3,5х4,5 см. ҳажмдаги 2 дона рангли фотосурат (охирги 6 ой давомида олинган).
— Тест тўлови бўйича имзоланган мажбурият.
— 30 АҚШ доллари тўловини амалга оширганлиги ҳақида банк квитанцияси.

### Вилоятлар бўйича рўйхатга олиш жадвали

| Вилоятлар | Рўйхатга олиш куни | Рўйхатга олиш жойи | Манзили |
|---|---|---|---|
| Самарқанд, Бухоро вилоятлари | 2012 йил 16 июль | Ишсизларни касбга тайёрлаш ва қайта ўқитиш маркази | Тошкент ш., Шайхонтоҳур тумани, Қоратош к., 44-уй |
| Наманган, Андижон, Фарғона вилоятлари | 2012 йил 17 июль | Ишсизларни касбга тайёрлаш ва қайта ўқитиш маркази | Тошкент ш., Шайхонтоҳур тумани, Қоратош к., 44-уй |
| Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Қашқадарё вилоятлари | 2012 йил 18 июль | Ишсизларни касбга тайёрлаш ва қайта ўқитиш маркази | Тошкент ш., Шайхонтоҳур тумани, Қоратош к., 44-уй |
| Тошкент шаҳри, Тошкент, Сирдарё вилоятлари | 2012 йил 19 июль | Ишсизларни касбга тайёрлаш ва қайта ўқитиш маркази | Тошкент ш., Шайхонтоҳур тумани, Қоратош к., 44-уй |
| Навоий, Сурхондарё, Жиззах вилоятлари | 2012 йил 20 июль | Ишсизларни касбга тайёрлаш ва қайта ўқитиш маркази | Тошкент ш., Шайхонтоҳур тумани, Қоратош к., 44-уй |

### Тест учун тўланадиган тўлов

30 АҚШ доллари миқдоридаги тўловнинг миллий валюта — сўмдаги эквиваленти (тўлов амалга ошириладиган кундаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича).
Тестда қатнашиш истагидаги фуқаролар Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлигининг махсус ҳисоб рақамига кўрсатилган тўлов пулини рўйхатга олиш жойида тўлашлари лозим.
Номзод тестда қатнашишни рад этса, тўлаган маблағни рўйхатга олиш муддати давомида қайтариб олиши мумкин.
Тест учун тўланган маблағ ўтказилган тест натижасидан қатъи назар, фуқарога қайтариб берилмайди.

### Тест қисмлари ва зарур томонлари:

| Тест қисмлари | Саволлар сони | Умумий балл | Ажратилган вақт |
|---|---|---|---|
| Ўқиш қисми | 25 | 100 | 40 дақиқа |
| Тинглаш қисми | 25 | 100 | 30 дақиқа |
| Жами | 50 | 200 | 70 дақиқа |

Тинглаш ва ўқиш топшириқлари ўртасида танаффус берилмайди.

Тест саволларида Корея Инсон ресурсларини ривожлантириш хизмати томонидан чоп этилган «Тест учун саволлар китоби» ҳамда янги ишлаб чиқилган тест учун саволномадан фойдаланилади.

Тест ўтказиладиган куни номзодлар қуйидагиларга эга бўлишлари лозим:
— тестга кириш учун рухсатнома (рухсатнома рўйхатга олинган номзодларга берилади);
— фуқаролик паспорти (номзод фуқаролик паспортисиз тест топширишга киритилмайди);
— барча номзодлар фуқаролик паспортларини олиб келишлари зарур, ушбу фуқаролик паспорти рўйхатга олиш жараёнида тақдим этилган фуқаролик паспорт нусхасига мос келиши зарур.

Тест синовлари натижаси икки йил муддат давомида, яъни тест натижалари эълон қилинган кундан бошлаб кучга эга.

**Бошқа маълумотлар**

Номзодлар тестга уяли телефон, электрон луғат, mp3 мослама ва бошқа рухсат этилмаган воситаларни олиб киришлари ман этилади.
Тест давомида бировдан кўчириб ўтирган номзод аниқланса ва тест тартибларига риоя қилмаса, у тестдан чиқариб юборилади ва 2 йил давомида қайта тестда қатнашиши учун ҳужжатлари қабул қилинмайди.
Номзодлар тўғрисидаги маълумот (фамилияси, исми, туғилган санаси) паспортидаги маълумотлар билан мос келиши лозим. Акс ҳолда номзод тестдан ўтган тақдирда ҳам унга Кореяга киришга рухсат этилмайди.

Номзоднинг тестдан муваффақиятли ўтиши уни Корея Республикасига ишга юборилишини кафолатламайди.
Номзоднинг тестдан муваффақиятли ўтиши Эркин ёллаш тизими бўйича рўйхатга олиш шартларидан бирини бажарган ҳисобланади.

Агар номзод тиббий кўрик натижаси бўйича носоғлом деб топилса ёки у Кореяда ноқонуний бўлганлиги маълум бўлса, у ҳолда номзод Корея Республикасига ишга қабул қилинмайди.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Корея Республикаси Меҳнат вазирлиги ўртасида тузилган «Бандликка рухсат бериш тизими бўйича ишчи кучини Корея Республикасига юбориш тўғрисида»ги Меморандумга мувофиқ, ҳамкорлик қилиш Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги ваколатига юклатилган.
Хусусий фирмалар ва ўқув муассасалари Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Корея Республикасида ишга жойлаштириш жараёнига аралашишлари тақиқланади. Бундай ҳолат аниқланган тақдирда бу ташкилотларга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида белгиланган чоралар кўрилади.

**Назорат қилиш** — Корея Республикаси Меҳнат вазирлиги.
**Ташкил этиш** — Корея Инсон ресурсларини ривожлантириш хизмати.
**Ҳамкорлик қилиш** — Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги.

**Маълумотлар учун Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлигининг қуйидаги телефонлари орқали мурожаат қилиш мумкин: (8-371) 214-52-03, 214-49-73, 214-30-76.**

1130R/830


Молия муассасаларида

*Бугунги кунда молия муассасалари республикамизда амалга оширилаётган изчил ислоҳотларнинг фаол иштирокчисига айланди. Бу истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб Юртбошимиз раҳнамолигида бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзига хос йўли танланиб, банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш, унинг мамлакат пул-кредит сиёсатидаги ўрнини мустаҳкамлаш, аҳоли омонатларини кафолатли сақлаш бўйича амалий чора-тадбирлар кўрилаётгани самарасидир, албатта.*

# Яқин кўмакдош, ишончли ҳамкор

Хусусан, банклар томонидан аҳолининг бўш пул маблағларини жалб қилиш ва уларни кафолатли сақлаш борасида олиб борилаётган ишлар, биринчи навбатда, мижозлар манфаатига қаратилгани билан аҳамиятлидир. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги “2011 — 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги қарори юртимизда банкларни қўшимча рағбатлантириш ва уларнинг инвестициявий имкониятларини янада кенгайтириш, ресурс базасини мустаҳкамлаш, шунингдек, аҳолига кўрсатилаётган молия-банк хизматлари сифатини ошириш борасида муҳим дастуриламал вазифасини ўтамоқда. Негаки, мазкур ҳужжатда аҳолининг эркин пул маблағларини тижорат банклари омонатларига жалб этишни янада рағбатлантириш бўйича бир қатор вазифалар белгилаб берилган. Зеро, бўш маблағларнинг банкда сақланиши нафақат молия муассасаси, балки аҳоли учун ҳам даромад манбаидир.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, “Асака” давлат-акциядорлик тижорат банкининг Жиззах вилояти филиали жамоасининг ушбу қарор ижросини таъминлаш юзасидан аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини рўёбга чиқараётгани мижозлар ишончини янада ошириш билан бирга, нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини сезиларли даражада қисқартириш имконини бермоқда.

Ҳозирги кунда ушбу филиал томонидан мижозларга миллий ва хорижий валютада 76 турдаги омонатлар таклиф этилаётир. Уларнинг тўққизтаси жорий йилнинг биринчи ярми давомида тақдим қилинган янги омонатлар ҳисобланади. Натижада аҳоли омонатлари миқдори, 2012 йил 1 июль ҳолатига кўра, ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 46,7 фоизга ўсиб, 3,9 миллиард сўмга етди. Шунга мос равишда омонатчилар сони 55 фоизга кўпайиб, 41203 нафардан ортди. Шунинг ўзиёқ мижозларнинг “Асака” банкига бўлган ишончи тобора мустаҳкамланиб бораётганлигидан далолат беради. Бундан ташқари, омонатларга қўйилган маблағлар эгасининг биринчи талабидаёқ нақд пулда берилаётганлиги барчага манзур бўлаётир.

— Уч йилдан буён “Асака” банкининг мижозиман, — дейди Пахтакор туманининг Чаманзор маҳалласида яшовчи меҳнат фахрийси Сапарбой Исаев. — “Сармоя”, “Яхши ният-1” омонатларига бўш маблағларимни қўйиб, жамғариб келаяпман. Яқинда омонатимнинг фоизлари ҳисобидан тўй қилиб, ўғлимизни уйлантирдик.

Жиззах туманидаги Ҳайрабод қишлоғида истиқомат қилувчи ўқитувчи Муҳайё Арифжонова эса икки йилдан бери шу банк билан ҳамкорлик қилади. У доимий равишда “Туҳфа” ва “Яхши ният” омонатларида ўзи ҳамда оиласининг бўш пул маблағларини жамғариб бормоқда. Ҳисобланган фоизлар эвазига эса коммунал хизматлар учун тўловларни амалга оширяпти.

Чиндан ҳам, биров уй қураман, бошқаси тўй қиламан ва яна кимдир машина сотиб оламан, деган яхши ниятда пул йиғади. Бироқ пулни кўпайтириш ва сақлашнинг ўзи бўлмайди. “Асака” банкининг Жиззах вилояти филиали жамоаси эса ана шундай инсонларнинг энг яқин ва ишончли ҳамкоридир.

**Улуғбек АДИЛОВ.**


## «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ — Навоий вилояти филиали

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига Қизилтепа тумани СИБ томонидан, ФИБ Кармана туманлараро судининг 2012 йил 10 апрелдаги 1-1300 /12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «ОСМПИ ГРИН» МЧЖга тегишли Қизилтепа шаҳри, Ўзбекистон маҳалласи, Алишер Навоий кўчасида жойлашган, умумий ер майдони 150 кв.м. бўлган икки қаватли компьютер техникаси воситалари билан ишлаш дўкони биноси қўйилмоқда.

*Бошланғич баҳоси — 162 161 000 сўм.*

***Аукцион савдоси 2012 йил 14 август куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.***

Ушбу мулк билан тегишли туман суд ижрочилари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукционда қатнашиш учун аризалар шанба ва якшанба (байрамлар)дан ташқари иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 га қадар қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш 2012 йил 10 август куни соат 18.00 да тўхтатилади.

Мазкур савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, савдо ташкилотчисининг АТ «Ипотека-банк»и Навоий филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000504920609007, МФО: 00205, СТИР: 207122519.

**Савдо ўтказиладиган манзил: Навоий шаҳри, П. Очилов кўчаси, 24-уй, Навоий вилояти Давлат мулкини бошқариш бошқармаси маъмурий биноси, 1-қават.**
**Телефонлар: (8-436) 224-44-01, 224-15-61.**
**Расмий сайтимиз: www.1kms.uz**

1125A/1441

*Лицензия: № RR-0001.*



## «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ — Самарқанд вилояти филиали

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига Пастдарғом тумани СИБ томонидан, ФИБ Пастдарғом тумани судининг 2011 йил 7 февралдаги 14-1015/13006-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Пастдарғом тумани, Жума шаҳри, Нодирабегим кўчасида жойлашган «Искандар» савдо мажмуаси биноси такроран қўйилмоқда.

*Бошланғич баҳоси — 277 100 000 сўм.*

***Аукцион савдоси 2012 йил 30 июль куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.***

Савдога қўйилган кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2012 йил 27 июль куни соат 18.00.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Самарқанд вилояти филиалининг «Ипотека-банк»и «Кўксарой» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000604920609025, МФО: 00262, СТИР: 207122519.

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Самарқанд шаҳри, Бўстонсарой кўчаси, 85-«А» уй.**
**Телефон: (8-366) 233-80-56.**
**Расмий сайтимиз: www.1kms.uz**

1127A/1441

*Лицензия: № RR-0001.*



## «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига Юқори Чирчиқ тумани СИБ томонидан, Тошкент вилояти хўжалик судининг 2010 йил 15 июлдаги 11-1026/16370-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Юқори Чирчиқ тумани, «Бордонкўл» ҚФЙ, Бирлик кўчасида жойлашган, умумий майдони 16643,61 кв.м. бўлган участка, 2 қаватли маъмурий бино, қозонхона, йўлак, ҳожатхона, соябон, бостирма, омборхона, гараж, тарозихона, қоровулхонадан иборат ўқув-машқ маркази кўчмас мулклари арзонлаштирилган ҳолда такроран қўйилмоқда.

*Бошланғич баҳоси — 1 297 606 581 сўм.*

**Аукцион савдоси 2012 йил 30 июль куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.**

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2012 йил 27 июль куни соат 18.00.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖнинг «Ипак йўли» банки ОАИТБ «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй.**
**Телефон: (8-371) 228-79-52.**
**Расмий сайтимиз: www.1kms.uz**

1129A/1441

*Лицензия: RR-0001.*



## «ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚК



**ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотади.**

*(ҚҚС билан)*



**«Тошкент труба заводи» ҚК сизга шуни маълум қиладики, бизнинг корхона «API-5L» стандарти бўйича** Ø325, Ø377, Ø426, Ø530, Ø630, Ø720, Ø820, Ø920, Ø1020, Ø1220, Ø1420, Ø1620 мм.гача, деворининг қалинлиги 6,0 — 24,0 мм. бўлган, электрпайвандланган, спирал чокли қувурлар ишлаб чиқаришни ўзлаштирди.

*Қувурлар Х42 мустаҳкамлик гуруҳи бўйича ишлаб чиқарилади.*
*Қувурлар 3845-65 ГОСТ бўйича гидравлик босимда синовдан ўтказилган.*

**Баҳоси — 1 тонна учун 3 950 000 сўм. Тўлов пул ўтказиш йўли билан.**

*2012 йилдаги эҳтиёжни йил чоракларига бўлиб беришингизни сўраймиз.*

130R/97

**Телефонлар: (8-371) 241-31-72, 241-29-94. Факс: (8-371) 241-31-94.**

## Тиббиёт

*— Оналик бахтига эришишни орзиқиб кутаяпман. Биринчи ҳомила бўлганлиги учунми, туғилажак фарзандимнинг соғлиғи, ўсиши ва ривожланиши ҳақида ўйлаб, хавотирланган пайтларим кўп бўлади. Яхшиям уйимиз яқинида оилавий поликлиника бор. Шу ердаги мутахассисларнинг маслаҳати, тавсияларига қулоқ тутсам, кўнглим хотиржам тортади. Ҳозир олти ойликмиз! Ҳаракатларимиз, юрак уришимиз яхши! Насиб этса, куз фаслида жажжигинамни қўлимга оламан...*

## Оилавий поликлиника:
# САЛОМАТЛИК МУҲОФАЗАСИ ВА МАСЪУЛИЯТ



Бу пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманида истиқомат қилувчи йигирма бир ёшли Дилдора Умарованинг сўзлари. Бўлажак онани биз шу ҳудуддаги 9-оилавий поликлиниканинг "Она-бола саломатлигини муҳофаза қилиш ва соғлом авлодни шакллантириш" штабида учратдик. Бу ерда у мутахассислардан ҳомиладорлик даврида амал қилиш зарур бўлган қоидалар ҳамда туғруққа тайёргарлик борасида тиббий тавсиялар олаётган экан.

— Юртимизда оналар ва болалар соғлиғини мустаҳкамлаш, ёш авлоднинг маънан ҳамда жисмонан баркамол бўлиб вояга етишини таъминлаш йўлида эзгу чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, — дейди тиббиёт муассасасининг бош шифокори Турсунхон Каттахўжаева. — Хусусан, бизнинг поликлиникада ҳам мазкур йўналишдаги ишлар самарадорлигини оширишга қаратилган аниқ режа ишлаб чиқилган бўлиб, шу асосда фаолият олиб борилади. Бугун шифо масканимизда 27 мингдан зиёд аҳолига тиббий хизмат кўрсатилаяпти. Шундан 7 минг 50 нафари фертил ёшидаги аёллардир. Ёш оналар ҳамда ўсмир қизларни профилактик кўрикдан ўтказиш, шунингдек, улар учун маҳаллалар, ўқув масканларида эрта турмуш, қариндошлар ўртасидаги никоҳ, исталмаган ҳомиладорлик каби муаммоларнинг олдини олишга қаратилган доимий тарғибот ишлари йўлга қўйилган.

Дарҳақиқат, ҳар қандай оғир хасталик ёхуд нохуш ҳолатнинг олдини олишда соғлом турмуш тарзи тарғиботининг аҳамияти беқиёс. Буни оилавий поликлиника ҳовлисига кириб борган заҳотимиз пайқадик. Муассасанинг ҳар бир бурчагида тиббий маслаҳатлар, суратли панноларга кўзингиз тушади. Бу эса шифокор кўригига келган одамнинг эътиборини тортмай қолмайди. Поликлиникага кираверишда эса каттаю кичикни "фильтр" ходимаси (муассасага мурожаат этувчиларни даставвал кутиб олувчи) қарши олади ва қайси мутахассисга мурожаат қилиш лозим бўлса, шу бўйича аниқ тавсия беради.

Бугун шифокор ҳузурида соатлаб навбат кутиш, асабийлашиш деган муаммолар эскирди. Бинобарин, оилавий поликлиниканинг ҳар бир мижози аввалдан белгиланган вақтда, рўйхатхона ходимлари берган махсус рақам билан шифокор қабулига бориши лозим. Шундай бўлаяпти ҳам. Айниқса, бу ердаги патронаж ҳамширалари, акушер-гинеколог ва педиатр мутахассисларнинг ўзларига бириктирилган оилалар билан мунтазам алоқада бўлишлари нафақат ортиқча сарсонгарчиликларнинг, балки юқумли хасталиклар ва ногиронлик каби нохуш ҳолатларнинг олдини олишда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Поликлиникада маҳалла ҳамширалари, тор мутахассислар, акушерлик ва гинекология, кундузги шифохона, физиотерапия, клиник лаборатория ҳамда марказий стерилизация бўлимлари мавжуд. Мазкур бўлимлар "Саломатлик — 2" лойиҳасига кўра, УТТ, рентген, биокимёвий таҳлил, бинокуляр микроскоп, ҳаво тозаловчи ускуналар билан тўлиқ жиҳозланган. Ўн ўринли кундузги шифохона эса махсус жадвал асосида доимий иш олиб боради. Эътиборлиси, поликлиникага мурожаат қилганларнинг қарийб 70 фоизи шу ернинг ўзида муолажа олиб, самарали даволанмоқда.

Бу ерда, шунингдек, Тошкент тиббиёт академиясининг умумий амалиёт шифокорларини тайёрлаш маркази ҳам фаолият кўрсатаётир. Поликлиника шифокорлари ва ёш мутахассислар ушбу марказнинг махсус ўқув курсларида малака ошириб, назарий ҳамда амалий билимларини мунтазам бойитиб боришаяпти. Зеро, асосий мақсад, юксак билим ва тажрибага эга бўлган ҳолда аҳолига тезкор, сифатли ва самарали тиббий хизмат кўрсатишдир.

**Муборак ОХУНОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.**

## Кўргазма

*Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий кўргазмалар залида "Бизнинг мерос. Ўзбекистон санъати усталари" мавзуидаги ретроспектив кўргазма ташкил этилди.*

# Маданий меросимиз таранауми

Мазкур кўргазма тасвирий санъатимиз ривожига муносиб ҳисса қўшган устоз-мусаввирлар ҳаёти, фаолияти, ижодини ўрганиш, уларнинг бой маънавий меросини асраб-авайлаш, тарғиб этиш юзасидан амалга оширилаётган кенг қамровли ишлар самарасидир. Мақсад моҳир мўйқалам соҳиблари ижоди, ноёб асарлари билан мухлислар, айниқса, ёшларни таништиришдан иборатдир.

Кўргазма экспозициясида бадиий кўргазмалар дирекцияси фонди ва шахсий тўпламлардан олинган, рангтасвирчи рассомлар, ҳайкалтарошлар томонидан яратилган 130 та асар томошабинлар эътиборига ҳавола этилган.

**Ойнур ТАСТАНБЕКОВА.**

# Она юртни улуғлаш бахти

*Ҳар бир спортчи она-Ватани шаънини улуғлашни ўзи учун юксак шараф деб билади, бу йўлда доимо олға интилади. Мамлакатимизда соҳа ривожига қаратилаётган юксак эътибор ана шу ҳаракатларга қаноту рағбат бўлиб, бизни юқори марралар сари чорламоқда.*

## Фахр

Бугунги кунда шаҳару қишлоқларимизда замонавий ва кўркам спорт мажмуалари, сузиш ҳавзалари ҳамда майдончалар барпо этилиб, ёшлар ихтиёрига берилаётгани бунинг тасдиғидир. Айниқса, ёш ўғил-қизларни оммавий равишда спортга жалб этишнинг ўзига хос усули, дунёда ўхшаши йўқ уч босқичли тизим — "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва Универсиада мусобақаларининг мунтазам ўтказиб келинаётгани ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказиш, кўплаб истеъдод соҳибларини кашф этишда катта роль ўйнамоқда.

Мен ҳам бу ғамхўрликлардан баҳраманд спортчиман. Сабаби, эркин кураш бўйича қитъа ва жаҳон чемпионатлари, халқаро турнирларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиш бахтига муяссар бўлмоқдаман.

Биласиз, Олимпиада ўйинлари йўлланмасини қўлга киритиш осон кечмайди. Чунки бундай муваффақиятга эришишни ҳар бир спортчи астойдил хоҳлайди ва бу йўлда бор маҳоратини ишга солади. Жорий йилнинг апрель ойида эркин ва юнон-рум кураши бўйича ўтказилган Олимпиада йўлланмасини берувчи Осиё саралаш турнирида шунга яна бир карра ишонч ҳосил қилдим. Негаки, мазкур мусобақада менинг вазнимда (66 кг.) қитъанинг энг кучли спортчилари кураш олиб борди. Улар орасида мўғулистонлик Батзорик Буянжава, Жанубий Корея вакили Да Сунг Ким ва қозоғистонлик Акжурек Танатаров каби қитъамизнинг номдор полвонлари ҳам бор эди. Қизиқ жиҳати, турнирда айнан шу спортчилар менга рақиблик қилди. Лекин уларнинг номи ва эришган муваффақиятларига аҳамият бермасдан, ўз кучимга ишонган ҳолда гиламга чиқдим. Устозларимиз айтганидек, агар спортчида ўзига нисбатан ишонч кучли бўлса, у, албатта, муваффақиятга эришади. Амалда шундай бўлди ҳам. Юқорида номлари келтирилган уч спортчи устидан ғалаба қозониб, XXX ёзги Олимпиада ўйинларида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритдим. Бундан жудаям хурсандман.

Эндиги мақсадим Олимпиада мусобақаларида совриндорлар сафидан жой олишдир. Бунинг учун астойдил тайёргарлик кўраяпман. Давлатимиз томонидан бу борада бизга барча шарт-шароит яратиб берилган.

Лондонда мамлакатимиз байроғи баланд кўтарилиб, мадҳиямиз янграши учун астойдил интилиш ва ҳаракат қилиш мен каби ҳар бир ўзбекистонлик спортчининг орзусидир.

**Ихтиёр НАВРЎЗОВ,**
**эркин кураш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси, XXX ёзги Олимпиада ўйинлари йўлланмаси соҳиби.**

## Хабар

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАРНИНГ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2012 ЙИЛ 23 ИЮНДАН 6 ИЮЛГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ**

***I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:***

1. «Солиқ маслаҳати миллий стандарти (2-сонли СММС) «Солиқ маслаҳати бўйича ҳисобот тузиш ва мижозга (ишонч билдирувчига) тақдим этиш тартиби»ни тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2012 йил 28 майдаги 44-сонли буйруғи.*

**2012 йил 28 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2375 (2012 йил 8 июлдан кучга киради).**

2. «Стратегик ва монопол маҳсулотлар, хом ашё ва материалларни биржа ва кимошди савдоларига қўйилишини назорат ва мониторинг қилиш тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2012 йил 20 июндаги 7-сонли қарори.*

**2012 йил 2 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2125-2 (2012 йил 12 июлдан кучга киради).**

3. «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 20 августдаги 181-сон қарори билан тасдиқланган Хизматчиларининг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификаторига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2012 йил 10 майдаги 23-Б-сонли буйруғи.*

**2012 йил 3 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2376 (2012 йил 13 июлдан кучга киради).**

4. «Халқ таълими муассасасининг Васийлик кенгаши тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг 2012 йил 13 июндаги 185-сонли буйруғи.*

**2012 йил 3 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2377 (2012 йил 13 июлдан кучга киради).**

5. «Ўзбекистон Республикасининг 16 ёшга тўлмаган фуқароси гувоҳномасини Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари томонидан расмийлаштириш ва бериш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2012 йил 29 майдаги 82-сонли буйруғи.*

**2012 йил 3 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1019-1 (2012 йил 13 июлдан кучга киради).**

*(Давоми бор)*

# Музей қошида марказ

*Самарқанд давлат музейи қошида гид-экскурсоводлар тайёрлаш маркази ташкил қилинди. Айни пайтда бу ердаги махсус курсларда 63 нафар тингловчи малака оширмоқда.*

## Яхши хабар

— Юртимизга ташриф буюраётган хорижлик меҳмонларга тарихий қадамжолар, миллий қадрият ва урф-одатларимиз ҳақида батафсил маълумот бериш таржимонлардан катта билим ва кўникма талаб этади, — дейди ўқув маркази раҳбари, музей катта илмий ходими Фахриддин Фазлиддинов. — Шуни ҳисобга олиб, мазкур марказ фаолиятини йўлга қўйдик. Ҳозир бу ерда соҳанинг етакчи олим ва мутахассислари тингловчиларга сабоқ беришаяпти.

**М. ЗИЁДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


● Реклама ва эълонлар ●

*Сара уруғ — юқори ҳосил гарови*

**Испаниянинг FITO SEMILLAS компаниясининг Ўзбекистондаги вакили**

***ўз омборидан такрорий экин учун***



**маккажўхори ва чим уруғларини**

***таклиф қилади.***

**Уруғлар сертификатланган ва давлат реестрига киритилган.**

**Маълумот учун телефонлар: (+99893) 382-56-57, (+99897) 728-57-80. Факс: (+99871) 257-58-61.**

996А/710

**«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ**

*очиқ аукцион савдосига таклиф этади!*

***«Capital Realtor Group» МЧЖ Қашқадарё филиалида 2012 йил 27 июль куни соат 11.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига 2012 йил 11 июнь куни ўтказилган аукцион савдолари натижалари бекор бўлганлиги сабабли қуйидаги кўчмас мулк объектлари такроран қўйилмоқда:***

**1.** Косон тумани СИБ томонидан, ФИБ Косон тумани судининг 2011 йил 21-июлдаги 1-596/1-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Косон шаҳри, Шароф Рашидов кўчаси, 7-уйда жойлашган, қурилиш майдони 146,55 кв.м., фойдали майдони 98,31 кв.м. бўлган дорихона биноси.

***Бошланғич баҳоси — 51 851 795 сўм.***

**2.** Косон тумани СИБ томонидан, ФИБ Косон тумани судининг 2011 йил 21-июлдаги 1-596/1-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Косон тумани, «Дўстлик» ҚФЙ, Оброн қишлоғида жойлашган, қурилиш майдони 86,0 кв.м., фойдали майдони 66,21 кв.м. бўлган дорихона биноси.

***Бошланғич баҳоси — 17 567 608 сўм.***

Ушбу кўчмас мулклар билан харидорлар суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига бориб танишишлари мумкин.

Аукцион савдосида қатнашиш учун аризалар эълон чоп этилган санадан бошлаб ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 9.00 дан 18.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулкларга аризаларни қабул қилиш савдодан 1 кун олдин, яъни 2012 йил 26 июль куни соат 11.00 да тўхтатилади. Мазкур савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати бўйича суд ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Capital Realtor Group» МЧЖнинг ОАТБ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, СТИР: 207126662, МФО: 01018.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим: аукцион савдосида қатнашиш учун ариза, закалат пули тўғрисидаги келишув битимининг нусхаси ва закалат пули тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатининг асл нусхаси; жисмоний шахслар — фуқаролик паспорт нусхаси, юридик шахслар эса давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси ва корхона устави, агар савдода ишончли вакил иштирок этса, белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.

**Аукцион савдоси қуйидаги манзилда ўтказилади: Қарши шаҳри, И. Мўминов кўчаси, «Наргиза» маиший хизмат уйи, 2-қават. Мўлжал — Қарши темир йўл шоҳбекати. Тел./факс: (8-375) 227-20-28.**

1126А/1192

*Лицензия RR-0017.*


# ОБ-ҲАВО (11 июль)

| Ҳудуд | Тунда | Кундузи |
|---|---|---|
| Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида | +19 +24 | +34 +39 |
| Бухоро ва Навоий вилоятларида | +19 +24 | +34 +39 |
| Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятларида | +19 +24 | +33 +38 |
| Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида | +19 +24 | +35 +40 |
| Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятларида | +19 +24 | +33 +38 |
| Тошкент шаҳрида | +22 +24 | +35 +37 |







AL-RAMI

**«eurofence» тўрли панель тўсиқлари спорт майдончалари, тураржой, паррандачилик фермалари ва бошқа катта ҳудудларни тўсишда қўлланилади.**
**Буюртма бўйича ўлчамдаги катак тўрни тайёрлаш.**
**Буюртма бўйича турли мураккабликдаги металлдан тайёрланган маҳсулотлар: фермалар, устунлар (колонна), парапетлар ва ҳоказолар.**
**Болғалаб безак бериб ясаш (художественная ковка), панжаралар, тутқичлар (перила), дарвозалар ва бошқалар.**
**Том, сунъий ҳавза, ҳовуз (бассейн)ларни ёпиш учун ПВХ-мембрана, маҳсулот кафолати — 50 йилгача.**

**www.stroyca.uz al-rami@inbox.ru (+99890) 187-44-65.**

133R/1126


"Ўзбекистон темир йўллари" ДАТК раҳбарияти ва Ўзбекистон темир йўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Марказий кенгаши "Тоштемирлойиҳа" МЧЖ директори Холмурод Исмаиловга падари бузруквори **ЖОНТИ отанинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат юридик институти жамоаси Конституциявий ҳуқуқ кафедрасининг доценти Тоҳир Бўриходжаевга волидаи муҳтарамаси **Ибратхон ая БЎРИХОДЖАЕВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси жамоаси Телерадиодастурларни мониторинг ва таҳлил қилиш бўлими етакчи мутахассиси Сафарбой Алимбоевга падари бузруквори **Олим РАМАТОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 754. 64 096 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — Ғ. Шералиев.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.20 Топширилди — 22.00
1 2 3 4 5